БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил
8 март
Пайшанба
№ 47 (13.483).
Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОРГАНИ •

БУГУН — ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ

В. И. Ленин туғилган куннинг 120 йиллигига

1990 йил 22 апрелда В. И. Ленин туғилган кунга 120 йил тўлади. КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси КПСС Марказий Комитети мафкура комиссиясининг шу санага бағишланган таклифларини маъқуллади.

Лениннинг ҳаёти ва фаолияти ҳозир ҳам буюк мақсадга хизмат қилишнинг, мураккаб ижтимоий муаммоларни ҳал этишга новаторларча ёндашишнинг намунаси бўлиб келмоқда. Ҳар қандай халқ барча замонларда бундай улуғ зотларни муносиб эътироф этган ва ҳурмат қилиб келган. Лениннинг номи аввало мамлакат ва дунё тақдирига ҳал қилувчи таъсир ўтказган воқеа — Улуғ Октябрь социалистик революцияси билан боғланган.

Ленин ижтимоий пайғамбар ҳам, хаёлпараст ҳам бўлмаган. Унинг кучи ишчилар синфининг, барча меҳнаткашларнинг эҳтиёжларини пайқаб ола билишда ҳамда шу эҳтиёжларни партия стратегияси ва тактикасида ифодалаб бера олишда бўлган. Изчил диалектик марксчи бўлмиш Ленинга ақидапарастларнинг қолоқ хурофотлари ҳам, сохта инқилобчиларнинг бақириқ-чақириқли иборалари ҳам мутлақо ёт эди. Фанда чинакам янгилик яратувчи ва сиёсатда олим бўлмиш Ленин социалистик қоидалардан чекинмай, мураккаб ва зиддиятли воқеликда шу қоидаларни рўёбга чиқаришга ёндашувларни қандай қилиб топиш мумкин ва лозимлигини амалда намойиш этди.

В. И. Ленин «Ҳарбий коммунизм» даврининг бевосита маҳсулот айирбошлашга ўтиш йўли билан социализмни тўғридан-тўғри қарор топтиришга дастлабки уринишлар хато эканини мардона тан ола билди. Ленин «Большевикларнинг тажрибаси» инқирозга учради деган турли-туман кароматларга қарамай, ўта инқилобий шиорларни, сиртдан самарали бўлиб кўринса ҳам, аммо данғалчиликдан иборат бўлган жўн қарорларни рад этиб, социализм тўғрисидаги янги тасаввурларни ижодий излади, пролетар давлати амалий сиёсатининг принципиал қоидаларини ишлаб чиқди.

Дастлабки ижтимоий ўзгартишлар тажрибасига таяниб, Ленин янги ижтимоий тузумни иқтисодий шароитларсиз мажбур этиш асосига, ижтимоий ва миллий манфаатларнинг хилма-хиллигини инкор этиш, тақиқлар ва казарма тарзидаги тенгчилик йўли билан қуриб бўлмайди, деган хулосани чиқарди. У моддий манфаатдорлик ҳамда шу манфаатдорлик билан боғлиқ бўлган товар ишлаб чиқариши ва муомела иқтисодий омиллари, жамиятнинг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантириш учун турли ижтимоий-иқтисодий укладларнинг имкониятларидан фойдаланиш зарурлигини тушуниб олди. Шунга асосланиб, социализмнинг моддий пойдеворини барпо этишга қаратилган янги иқтисодий сиёсат эълон қилинди. Айни шу сиёсат гўё революция чиқа олмайдигандек туюлган жуда ўткир муаммолар ва зиддиятларнинг биқиқ доирасидан ёриб чиқишни таъминлади.

В. И. Ленин социализм «Маърифатпарвар кооператорлар тузуми» деган қоидани таърифлаб берди, маданий революция ғоясини майда ишлаб чиқарувчиларни кооперациялаш билан ва турмушнинг барча шароитларини ўзгартириш билан чамбарчас боғлади. Ленинча миллий сиёсат, совет федерацияси ғоялари тўғрилигини замон яққол кўрсатди. Ленин совет ҳокимиятининг моҳиятини тўраларча бузиш хавфи борлигини кўрсатиш билан бирга, ижтимоий-сиёсий турмушда халқ ҳокимияти, граждан масъулияти, интизом ва қатъий қонунийлик қоидаларини қарор топтиришга ҳаракат қилди. У инсониятнинг тарихий тажрибасидаги жами илғор тажрибадан фойдаланмай туриб, социализм қуриб бўлмайди, деган фикрни айтди.

Ленин турмуш вазиятларининг чигал жумбоқларидан чиқиш йўлларини излар экан, эскирган қоидаларни дадил улоқтириб ташлади, «Марксист, ҳар қандай назария сингари, кечаги куннинг, жуда яхши деганда, фақат асосий, умумий нарсанигина белгилайдиган, фақат турмушнинг мураккаблигини тушунишга яқинлашадиган назариясига ёпишиб қолишда давом этмасдан, жонли турмушда воқеликнинг аниқ фактларини ҳисобга олиши лозим, деган шубҳасиз ҳақиқатни уқиб олиши керак»лигини амалда кўрсатди (Тўла асарлар тўплами, 31-том 152-бет). Кўпинча ўз ўртоқларини ҳайратга солиб, беҳосдан тактикани ўзгартириши ҳам, айрим ҳолларда ўртоқларининг эскирган позицияларини баъзан кескин танқид қилиши ҳам мана шундан келиб чиқар эди.

Россиядаги революциянинг муваффақиятини большевиклар партиясининг раҳбарияти жаҳон социалистик революциясининг истиқболлари билан тўғридан-тўғри боғлаганлиги маълум. Бироқ, воқеаларнинг ҳақиқий жараёни бу мўлжалларни тасдиқламади. Мана шунда Ленин совет ҳокимияти муқаррар мағлубиятга учрашини каромат қила бошлаган кимсалардан фарқли ўлароқ, большевиклар партиясида биринчи бўлиб, ёш совет республикаси тушиб қолган ташқи ва ички шароитлар ўзгарганлигини ҳолисона, атрофлича таҳлил этишга асосланган янги стратегияни ишлаб чиқишга киришди.

Ленин социалистик ўзгартишларнинг муфассал дастурини ишлаб чиқишга улгургани йўқ. Аммо у умумлаштиришга муваффақ бўлган тажрибанинг ўзи ҳам унинг турли мамлакатларнинг табиий-тарихий ўзига хослигига ва халқларнинг анъаналарига асосланган социализмга чиқишнинг хилма-хил йўлларини эътироф қилганлигига заррача шубҳа қолдирмайди. Социализм ҳусусидаги нуқтаи назарнинг тубдан ўзгариши социалистик тузум эскиликни мутлақ инкор этишдан иборат эмаслигини, балки у цивилизациянинг олий ютуқларини ўзига зарур тарзда сингдириб олиши кераклигини билдирар эди.

Бироқ, совет давлати асосчисининг кўпгина янги ғоялари амалда рўёбга чиқмай қолди. Унинг янги тузум моҳиятини тўраларча бузиш эҳтимоли борлиги хусусидаги хавфсирашлари тўғри бўлиб чиқди. Сталин режимининг, буйруқбозлик-маъмуриятчилик системасининг қарор топиши ижтимоий турмушни зўрлик билан бирхиллаштиришга, халқни сиёсатдан, мулкдан ва ҳокимиятдан тобора четлаштиришга, партияни фожиали равишда бузишга ва социализмни обрўсизлантиришга олиб келди. Жамиятда инсонни партия-давлат механизмининг «мурвати» деган сталинча тасаввур қарор топтирилди.

Ленинизм меросидан ижодийлик, демократизм ва инсонпарварлик руҳи, умумбашарий қадриятларга мойиллик, инсонни тараққиёт воситаси эмас, балки олий мақсад, деб англаш руҳи зўрлик билан чиқариб ташланди. Большевиклар партиясининг асл фарзандлари шафқатсизларча қирғин қилинди. Совет жамиятининг барча қатламлари ҳолдан тойдирилди. Сталинизм ленинизмдан шунчаки алоқани узишни эмас, балки миллион-миллион кишилар онгида социалистик ғоянинг ўзини ҳаддан ташқари сохталаштиришни ҳам билдирар эди. Тарихда мантиққа зид равишда мана шуларнинг ҳаммаси Ленин ғояларига «содиқлик» байроғи остида содир бўлди. Натижада жамият узоқ йилларгача аёвсиз ақидалар ва хурофотлар билан кишанланиб қолди, бу эса жамиятни ички жўшқинликдан, ўз-ўзидан ривожланиш ва янгиланиш имкониятларидан маҳрум этди.

Амалий воқелик асосида фикрлаш қайтадан тикланганлиги, ижтимоий онг ўн йиллар давомида сингдириб келинган сохта тасаввурлар ва афсоналардан халос этилганлиги мамлакатимизда қайта қуриш жараёнида бошланган туб ўзгартишларни амалга оширишнинг асосий шартларидан бири бўлди. Бунда Лениннинг ғоявий-назарий мероси, ленинизм методологияси ўтмиш ва ҳозирги замоннинг туб муаммоларини атрофлича таҳлил қилиш учун, социалистик ривожланиш мураккабликлари ва зиддиятларини, унинг ҳаракатлантирувчи кучларини тушуниш учун илк нуқта бўлди.

(Давоми 3-бетда).

Байрамингиз қутлуғ бўлсин, муҳтарама онахонлар, азиз опа-сингиллар!



Баҳор келди. Қуёш кулди. Дов-дарахтлар уйғонди. Қушлар ҳам чуғуллашиб, ошиён қуриш дардига тушиб қолди.

Баҳор!

Серқуёш диёримизда порлоқ навбаҳор табассум этиб, она заминимизни яшил майса либосларга, ранго-ранг чечакларга буркаб, ниҳолларга гул-исирға тақиб келди. У ўзи билан жумҳуриятимизга ғоятда файзли умумхалқ байрами — Халқаро хотин-қизлар айёми — ер курраси барча хотин-қизларининг байрамини ҳадя этди.

Ассалом баҳор, ассалом 8 Март! Бугун сенинг қутлуғ 80 ёшга тўлган кунинг. Ҳа, Клара Цеткин таклифи билан Копенгагенда 1910 йилда бўлиб ўтган социалистик хотин-қизларнинг иккинчи Халқаро конференциясида мана шу айём — 8 Март халқаро хотин-қизлар куни, деб белгиланган эди. Шундан буён ҳар йили биз уни зўр шодиёналик билан муборакбод этамиз. Шундан буён ҳар сафар сени ғоят интиқиб, соғинч билан кутамиз. Ахир сен шунчаки, оддий шодиёна айём эмас, балки, онага, социалистик Ватанимиз меҳнатчи аёли ва ватанпарварига астойдил иззат-ҳурмат, меҳр-муҳаббат ҳис-туйғулари тўлиб-тошган шодиёна кунсан.

Дунёда энг муқаддас бўлган аёл — она. Инсоният баҳори. Авлод-аждодлар давомийлиги, сарчашмаси ҳам мана шу инсонда мужассам. Фақат шугина эмас, албатта. Ватандош аёлларимизнинг тарихимиз саҳифаларига битган зарварақлари ҳам салмоқдор. Уларнинг заҳмати самараси, муборак номлари инқилобий ҳаракат тарихига, Советлар мамлакатининг меҳнат ва жанговар шон-шуҳрат солномасига зарҳал ҳарфлар билан битилган.

Улуғ Октябрь, Ленин партияси аёлларга рўшнолик, ҳурлик, ўз тақдирининг соҳиби бўлиш, ижтимоий-иқтисодий ўзгартиришларнинг тенг ҳуқуқли қатнашчиси бўлиш имкониятлари ҳамда реал кафолатларни берди. Уларга маориф, фан, маданият, давлат ва жамият ишларини бажариш учун кенг йўл очилди. Советлар мамлакатида ҳар бир она, меҳнаткаш хотин-қиз эркаклар билан баб-баробар ҳуқуққа эгадир. Улар ўзларининг барча жабҳалардаги фидокорона меҳнатлари, оила ва рўзғор тебратишдаги тадбиркорликлари, ижтимоий фаолликлари, фарзандларига бўлган меҳр-муҳаббатлари билан халқимизнинг ҳақиқий, чексиз ҳурмат-эъзозига, иззат-эҳтиромига сазовор бўлганлар.

Аёллар! Улар турмушимизнинг кўрки, латофати, файзигина бўлиб қолмай, ҳаётимиз гуллари ҳамдир. Халқимизнинг умумий маданиятини оширишда хотин-қизларимизнинг роли ва ҳиссаси катта. Ахир ҳар бир халқнинг ўзига хос иззат-нафси, номуси, тили, анъанаси, урфи-одати мавжуд. Ана шу бебаҳо бойликларни сақловчилар ҳам, авлодлар ўртасидаги узвий алоқани боғловчилар ҳам кўп жиҳатдан мана шу улуғ зотларга боғлиқ. Мамлакатимизда давом этаётган инқилобий қайта қуришнинг ҳозирги ҳал қилувчи босқичида беихтиёр В. И. Лениннинг «Аёлларнинг ёрдами, пухта, ўйлаб иш тутиши ва онглилиги билангина янги жамият қурилишини мустаҳкамлаш мумкин», деган сўзлари ёдга тушади.

Бола етаклаган аёл

Уч-тўрт ёшли болани
 етаклаб ўтиб қолди,
Ойдан-да гўзал аёл,
 бўлиб фарзанд мафтуни.
Болаки — шўх-шўх, хандон,
 ширинки, ёқимтойки,
Ҳамма бир бор бағрига
 босгиси келар уни!
Тимқора, жингалак соч,
 кўзлари ҳам тимқора,
Тойчоқ каби ирғишлаб
 ҳар томонга югурар.
— Ўғлонгинам, ошиқма! —
 она юраги ҳалак,
Етиб, қўлидан ушлаб
 олишга тез улгурар
Бола шўх-шўх кулади,
 Онаси ҳам қўшилар,
Шунда осмон бетида
 чарақлаб кетар қуёш.
Ўтиб борар ўн саккиз
 минг оламнинг бойлиги,
Уларга эргашганча
 ловуллаб ўтар қуёш.
Шунда ўйлаб қоламан:
 етаклаган ким ўзи?
Онамикин болани
 тутай деб чарчаб-ҳорган.
Ёинки боламикин
 онасини етаклаб,
Орзу каби бепоён
 келажакка йўл олган?
Нима бўлганда ҳамки,
 Она билан болакай
Тор кўчани тўлдириб
 ўтиб борарлар бу тонг.
— Уларнинг чиройидан
 қувончидан ранг олинг! —
Дея ҳайқирган дунё
 Оламда уради бонг!

ТУЛҚИН





Фаоллик мезони

Бугунги кунда комсомолнинг обрў-эътибори ҳақида нималар дея оласиз! Ҳозирги шароитда ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ҳақида фикрингиз! Комсомол фаолиятининг истиқболлари ҳақида ўйларингиз!

Тошкент халқ хўжалиги институти қошида ташкил этилган ёшларнинг ижтимоий-сиёсий «Мунозара» клуби фаоллари талабаларга ана шу саволлар ёзилган таклифнома тарқатдилар. Бир ой мобайнида талабалар давра суҳбатига тайёргарлик кўрдилар. Суҳбатга жумҳуриятимиз комсомоли биринчи котиби, ёшлар матбуоти вакиллари ва бошқа фаоллар билан мулоқот ҳам режалаштирилди.

Ёшлар мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида содир бўлаётган ўзгаришлар, ўзларининг маънавий қиёфаси ва келгусидаги тақдири ҳақида ўйламоқдалар, фикр юритмоқдалар, баҳслашмоқдалар. Тошкент халқ хўжалиги институти талабаларини ҳам қизиқтираётган бу муаммоларни ҳал этишга, уларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий тафаккурини ўстиришда «Мунозара» клуби яқиндан ёрдамлашмоқда. Фалсафа ва маданият назарияси кафедраси профессори Й. Жумабоев ва институт фирқа ташкилоти котиби, доцент И. Саифназаров ташаббуси билан ташкил қилинган «Мунозара» клуби яқинда иш бошлаганига қарамай талабалар орасида тезгина обрў қозонди.

«Мунозара» клуби машғулотлари «Ҳозирги замон ижтимоий-иқтисодий муаммолари (экология, демография, миллий муносабатлар)», «Маданият ва инсоний қадриятлар», «Қайта қуриш ва шахсни маънавий такомиллаштириш муаммолари» деган мавзуларда олиб борилмоқда.

Клуб ишларини ташкил этишда, машғулотларни сифатли ўтказишда, фалсафа ва маданият назарияси кафедраси доцентлари Б. Қосимов, О. Баҳодиров, У. Жалолова, Б. Алиев, Х. Тўраев, А. Ҳукумов, А. Мухторов, Т. Дорофеева каби муаллимлар фаол қатнашмоқдалар. Шуни айтиш керакки, мунозара клуби ўз машғулотларини қуруқ маърузалар, ўринсиз тортишувлар билан эмас, балки кундалик ҳаёт билан боғлиқ фойдали савол-жавоблар асосида олиб бормоқда.

— Клубимизнинг аниқ йўналишда иш олиб бораётганлиги, — дейди «Мунозара» клуби раҳбари, профессор Йўлдош Жумабоев — ёшларни маънавий-аҳлоқий тарбиялаш муаммоларининг бутун қирраларини қамраб олишга имкон яратмоқда. Биламизки, ўтган йилларда инсоний қадриятлардан бегоналашганимиз ижтимоий турмушда кўпгина иллатларни юзага келтирди. Аслини олганда, инсонлар ўртасидаги қадр-қимматнинг пасайиб кетганлиги ёки иқтисодий танглигининг давом этаётгани мана шу қадриятларга бориб тақалади.

«Мунозара» клубининг «Қайта қуриш шароитида комсомол: муаммолар, изланишлар ва истиқболлар» деган мавзудаги машғулотига Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Қўмитасининг биринчи котиби Азиз Носиров, Тошкент шаҳар комсомол қўмитасининг биринчи котиби Ж. Ҳакимов ва бошқалар ташриф буюрдилар. Комсомол етакчилари ва талабалар ўртасида ёшларнинг бугунги маънавий олами, комсомол тақдири ва унинг истиқболи ҳақида қизғин баҳс бўлди. Қайта қуриш шароитидаги муаммолар жумҳуриятимизнинг иқтисодий мустақилликка эришиши соҳасида комсомол анча суст фаолият кўрсатаётгани таъкидланди. Учрашувда қатнашган ҳисоб-иқтисод факультетининг декани Е. Абдуллаев, ўқув ишлари бўйича ректор ўринбосари Р. С. Скляднов, доцентлардан Ю. Сатторов, О. Баҳодиров, институт комсомол ташкилоти котиби Б. Мирбобоев ва бошқалар ўз мулоҳазаларини билдирдилар. Учрашув охирида Азиз Носиров талабаларнинг саволларига жавоб берди.

Инсон қадр-қиммати ва халқ шаъни деганда нималар тушунилади! Халқ анъаналари ва урф-одатлари ҳақида нималар биласиз! Ота-боболаримиз «Наврўз» байрамини қандай нишонлаганлар! Инсон хотирасини эъзозлашга муносабатингиз!

«Мунозара» клуби ташкилотчилари кунц кеча талабаларга ана шундай саволлар билан таклифнома тарқатдилар. Клубнинг бу машғулоти «Наврўз» байрами арафасида ўтказилади. Машғулотимизга марҳамат!

Ғ. ҒОФУРОВ,
доцент.

Байрамингиз қутлуғ бўлсин, муҳтарама онахонлар, азиз опа-сингиллар!

Ҳозирги дунё хотин-қизларнинг мақомида янада туб ўзгаришлар ва уларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқлилик принципи реал эътироф этиш билан характерланмоқда. Бироқ, амалдаги тенгликка эришиш мураккаб ва зиддиятли жараён. Шу жумладан, бу ҳолат мамлакатимизга ҳам хосдир. Бундан 70 йил муқаддам аёллар эркаклар билан тенг ҳуқуққа эга бўлиб, шу ҳуқуқдан тўла фойдаланаётгандек кўринарди. Лекин партиянинг Бутуниттифоқ XIX конференциясида таъкидлаб ўтилганидек, мамлакатимизда хотин-қизлар аҳволи ҳамон давлат аҳамиятига эга бўлган масала бўлиб қолаяпти. Хотин-қизларнинг иш билан бандлиги соҳасида кўпдан-кўп салбий ҳодисалар тўпланиб қолган. Демографик муаммолар ўткир бўлиб турибди. Қайта қуриш давомида, жумладан, иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш билан боғлиқ бир қатор янги масалалар юзага қалқиб чиқди. Ишчи кучларини қисқартириш билан хотин-қизларга таъсир этадиган жараён юзага келмайдими? Бунда қандай кафолат бор? Хотин-қизлар умуман ижтимоий қандай муҳофаза билан таъминланган?..

Мамлакатимизда қарийб 72 миллион оила бор. Ҳар йили 3 миллионга яқин йигит ва қиз оила қуради. Йилига эса тахминан 950 минг эри-хотин бир-биридан ажралишади. Ажралиш! Бунинг оқибати инсонлар учун ҳам, жамият учун ҳам оғир. Мана шу ажралиш туфайли мамлакатимизда 18 ёшгача бўлган 700 минг бола йилига оиласидаги ё отаси, ёки онасидан ажралиб қолаяпти.

Ўзингиз бир мулоҳаза қилиб кўринг. Бу рақамлар тагида катта тақдир фожиаси ётибди. Наҳотки бунга бефарқ, эътиборсиз бўлиш мумкин?! Йўқ, бу инсон номига ўчмас доғ, оғир дард! Яна дилларни поралайдиган бир муаммо бор. СССР соғлиқни сақлаш министри Е. И. Чазов эътироф этишича, йилига кўз ёриши ва ҳомиласини олдириш пайтида 2500 аёл нобуд бўлади. Бу эса Японияга қараганда 5 карра, АҚШ, Англия, ГФРга қараганда 2,5 баравар кўп деган гап. Демак, биз фарзандларимизни бир ёшга тўлмасданоқ дафн қилаяпмиз. Мамлакатимиз болаларнинг ўлими жиҳатидан дунёда 50 — ўринда туради. Ана шу кўрсаткич эса энг кам ривожланган давлатлар даражасидадир.

Саволлар ва муаммолар. Улар оз эмас. Айниқса бу ҳол жумҳуриятимиз қишлоқларида ҳам, шаҳарларида ҳам мавжуд. Чунки хотин-қизларнинг ролини оширмай туриб, жамият ҳаётини бундан буён ҳам демократиялаштириш мумкин эмас. Жамиятда улар ролининг ўсиши эса меҳнат, турмуш, дам олиш шароитларига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Социалистик жамият ўзаро инсоний баҳамжиҳатликда, оилани мустаҳкамлашда юксак маданият ва батартибликка муҳтождир. Хотин-қизлар кенгашлари ва Совет хотин-қизлари қўмитаси ўз фаолиятларида ижтимоий муаммоларнинг тобора кенг доирасини қамраб олмоқдалар. Ҳозирги пайтда хотин-қизлар — меҳнатчилар, аёллар — оналар манфаатларини ифодалайдиган ва ҳимоя қиладиган хотин-қизлар кенгашлари бутун мамлакатимизда кенг фаолият кўрсатиб келмоқда.

Таркиб топаётган янгича халқаро вазиятда ер курраси хотин-қизлари ижтимоий-сиёсий фаоллиги янада ўсди. Хотин-қизлар парламент аъзолари, олимлар, шифокорлар, маданият арбоблари ҳаракатларида қатнашмоқдалар, иқтисодиёт, экология бирлашмаларида фаолият кўрсатмоқдалар. Халқ дипломатияси оммалашишида, замонамизнинг рамзига айланиб қолган дўстлик учун ҳаракатда хотин-қизлар таъсирчан куч бўлиб қолмоқдалар.

Чеҳрасидан табассум балқиб турган аёл. (юқорида ўнгда) Тошкентдаги «Шарқ гули» бадиий буюмлар ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори Раиса Отажонова. У СССР халқ депутати. Ёки талабаларга математика сирларини очишда жонкуярлик кўрсатаётган муаллима Турсуной Ғозиевани олайлик. У Сирдарё вилояти Оқолтин ноҳиясидаги Беруний номли 17-ўрта мактабда тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари вазифасини шараф билан адо этиб келаяпти. Бутун диққат-эътиборини ўз муаллимасига қаратган бу қизча шу мактабнинг талабаси Нилуфар Мамажонова. У аъло ҳулқи, фаол жамоатчилиги, барча фанлардан яхши ўзлаштирганлиги туфайли ўтган йили «Артек»да дам олиб келди. Мактаб дружина кенгашининг раисаси.


Дўстлик ришталарини мустаҳкамлашда хотин-қизларимизнинг роли беқиёс. Оила доирасида ўзаро мулоқотда турган мана бу гулчеҳраларга эътибор қилинг. Калинин шаҳридаги хонадон соҳибаси Ирина Рагина андижонлик практикант қизларни ўз хонадонида кутиб олаётган пайт.

Мамлакатимиз аҳолисининг 53 фоизини (150 миллион кишини) хотин-қизлар ташкил қилади. Мамлакатнинг барча жумҳуриятларида 240 минг хотин-қизлар кенгаши фаолият кўрсатаяпти. Қайта қуриш шароитида ана шу хотин-қизлар кенгашлари иш натижалари ва уларнинг 2 миллион фаоли муҳим ижтимоий масалаларни ҳал этиш вазифасини ўз қўлларига қанчалик ола билишларига боғлиқ бўлади.









УМИД

Сўлғинлик. У ҳамиша сокинлик бағрида кўзга ялт этиб ташланади. Айниқса ҳазин кузнинг сокин далаларида сўлғинлик сизни бағрига тортади. Ана шу сокинлик ичра бир келинчак бораяпти. Ҳорғин оёқлар нимжонгина ғавдани бошлаб ҳаё тўла юз-кўзлари ўйчан бораётган бу келинчакнинг фақат қўллари чаққон.

У этагини белига боғлаб, эгатларга эгилди. Бор кўргану-билгани, сиру-синоатини тўккан далалар. Шу севимли пахтаси. Ахир уни нега севмасин. Дунёга бир кун эмас бир кун келадиган жигаргўшасини авайлаб асрайди. Ерга қадалган чигитни ўзининг мурғаги, деб тасаввур этиб, шу пахтага оналик қилади.

Келинчакнинг юзларида бирдан бегона табассум ўйнагандай бўлди. Чаққон қўллар очилган чаноқларни қонсиз лабларга босди. Бир жуфт маржон оқликка кўмилиб, йўқ бўлиб кетди. Бу бир жуфт маржон неча йилдирки, шу оқликка кўмилади-ю, изсиз кетади. Аслида изсиз кетадими? Йўқ, у келинчакнинг қўлидаги момиқдан сирғалиб тушиб, тупроққа сингади. Келинчак билмайдики, пахта унинг шўртак кўз ёшларини кўтаролмайди. Кўтаролмаган! Ва шундан бу тупроқни шўр босиб бораверади. Лекин келинчакнинг кутгани...

«Менинг кутганим илоё рўёбга чиқсин. Пахтажон, худоё сенинг кейинги камолинггача фарзанд... Ахир мен нима ёзган эдим. Нима бўлса сени деб бўлдику, жоним». Келинчакнинг чаноқлар из сола бошлаган кафтлари юзини беркитди. «Сенга сепилган доринниг таъсиридан дейишади, баъзилар заҳдан дейишди. Айт жоним, сен оқликсан, оқлик...»

Келинчак билинар-билинмас силкинаётган гавдасини кўтаради. У бу мавсумга ҳар йилгидан яна умид билан келди. Бу умид унинг борлиғида ишонч бўлиб улғайди. Ахир онаси «Оқликка қараб ният қилсанг, илтижонг ижобат бўлади» деб айтган. Лекин олти-етти йилдирки келинчакнинг илтижолари ўша бир жуфт маржон каби тупроққа сингади.

«Оқликка қараб илтижо қил...» — Онаизорингнинг бувингдан эшитган бу сўзлари сен учун сеҳрлигича қолган. Шу оқликдан мўъжиза кутасан. Билмайсанки, бу оқлик аллақачоноқ ўз «мўъжиза»сини кўрсатиб бўлган. Сен пахтани бошингга кўтариб олиб чиқаяпсан. Нимжонгина жуссанг эгик. Ортингдан қолаётган яланғоч далалар сокинлик бағрига сингиб, баттар мунғайиб қолмоқдалар. Келинчак, пахтадан тозаланган далалар худди қиз чиққан уйдай ҳувиллаб қолади-а... Бир дақиқа бошингдаги «арзандангни» ерга қўй-ю, ортингга қара. Сен билармикансан, бағрингга босиб, кўз нурингни тўккан шу Пахтажонинг эртага сен менга дармон бўл, деб қилган ниятларингни тарк этиб, аллақайларга ғойиб бўладилар. Унинг сўнгги тақдири билан қизиқсангчи, келинчак?

Бир дақиқа тин олган келинчак этак тўла пахтани елкасига олди. Унинг сўлғин юзида яна ҳорғинлик кўринди.

Хирмонга хирмон қўшиб, яна пайкалларга қайтиб келаётган келинчак юз-кўзларига тикиламан. Унинг кўз қорачиғларида ўзи ҳам билмаган аллақандай умид йилтиллайди. Мен кўзларнинг шу лаҳзалик учрашувидан мана шуларни англайман: «Нимага умид қилмай? Ишонаман, пахтажон менинг бир кун дунёга келадиган ўғил-қизларимга кўйлакчалар бўлиб қайтади, пайпоқчалар бўлиб қайтади, дуррачалар бўлиб келади улар...»

Келинчак, ишонч ва умидларинг рост бўлсин. Токи туғилажак жажжиларингнинг кўйлакчалари, пайпоқчалари, дуррачалари бошингда кўтарган, нозик елкаларингга оғриқ берган хирмонинг каби мўл бўлсин.

ОЙ САРА.

Хорижидан хабарлар

Фестиваль ниҳоясига етди

РИМ. (ТАСС). Италияда миллионлаб телетомошабинлар Сан-Ремодаги 40-қўшиқлар юбилей фестивалининг совриндорлари номини билишганида вақт ярим тундан анча ошган эди. Бу гал ғолиблик чамбарагини Италия рок-музикасининг «ветерани» — «Пух» ансамбли олди. У «Ёлғиз кишилар» деб аталган ўз композициясини ижро этди.

Фестивалда «Шунча муҳаббат» қўшиғини ижро этган Тото Кутуньо иккинчи ўринни эгаллади. Машҳур Итальян қўшиқчиси ва композитори ўзига хос рекорд ўрнатди: у Сан-Ремода бешинчи маротаба «кумуш» совринга эга бўлди.

Амедео Минги билан Мьетта ижро этган севги ҳақидаги композиция конкурснинг учинчи совринини олди.

Журналистлар таъсис этган «Танқидчилар соврини»га Миа Мартини, шунингдек, янги қатнашчилар гуруҳининг ғолиби Марко Мазини сазовор бўлдилар. Газеталар Марко ҳақида фестивалнинг навбатдаги кашфиёти, «90-йиллар романтиси», деб ёзишмоқда. Ғолибнинг ўзи эса музика чўққисига эришиш учун ҳали кўп ишларни қилишим керак, деб ҳисоблайди.

Давлат тўнтаришига уриниш

КОБУЛ, 6 март (ТАСС). Куни кеча Кобулда ҳарбий тўнтаришга уриниш бўлди. Ҳарбий самолётлар президент саройини бомбардимон қилдилар, пойтахт аэропорти, Мудофаа министрлиги ноҳияларида қақшатқич жанглар бормоқда. Мазкур министрлик томон десант тушган танкларнинг бир қанча колоннаси йўл олди.

Шаҳар марказига ракета — тўплар отилган. Аҳоли марказий ноҳияларни тарк этмоқда.

Кобул радиоси Афғонистон жумҳуриятининг президенти Нажибуллонинг халққа мурожаатини эшиттирди. Мурожаатда айтиладики, «Партия ичидаги экстремист унсурлар ватан хоинлари ва Гулбиддин Ҳикматиёр («Афғонистон — Ислом партияси»нинг раҳбари — ТАСС изоҳи) билан биргаликда халққа ва ватанга сўнгги хоинликларини қилишга уриндилар».

Мурожаатда таъкидланишича, умуман мамлакатда «осойишта вазият сақланиб турибди, фитнанинг пайи қирқилди».

Афғон телевидениеси ўзининг сўнгги хабарларида Афғонистон жумҳуриятининг президенти Нажибулло номига мамлакатнинг бир қанча вилоятлари раҳбарларидан келган мактубларнинг матнини эшиттирди. Уларда тўнтаришга уринишларни бартараф этиш юзасидан амалга оширилган барча хатти-ҳаракатлар тўла қўллаб-қувватланади. Жумладан, Қандаҳор, Ҳирот, Ғилмонд ва Нанграҳордан ана шундай мазмундаги телеграммалар келди. Уларда ҳарбий хизматчилар сўнгги томчи қон қолгунича ватан мустақиллигини ҳимоя қилишга ва миллий яраш сиёсатига амал қилишга қарор берганликлари таъкидланади.

Оқшом тушишдан аввал бир неча соат мобайнида оғир тўплар ва бронетанк техникаси Мудофаа министрлиги ва афғон армияси бош сиёсий бошқармаси биноларини нишонга олиб, ўққа тутди. Ракеталарнинг портлаши натижасида Кобул радиоси эшиттиришлари тўхтаб қолди. Бироқ, қоронғи тушиши билан турар жой ноҳияларига ўқлар ва ракета отиш анча сусайди.

БРНОДА ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА

ПРАГА. (ТАСС). Автомобилсозлик ва роботсозлик, шунингдек, пайвандлашнинг барча турлари соҳасидаги замонавий технология Чехословакиянинг Брно шаҳрида очилган халқаро кўргазмада намойиш этилди. 21 мамлакатнинг 400 дан ортиқ фирмаси ўз маҳсулотини кўрсатмоқда.

Ихтисос йўналишига эга бўлган «Автопрогресс» бўлими диққатни жалб этади. Унинг экспозициясида ишлаб турган автотранспорт чиқитларидан табиатни муҳофаза қилишга қаратилган қизиқарли янгиликлар бор. Кўпгина фирмалар ис газидан тозаловчи, ишлатиб бўлинган техника мойидан фойдаланиш учун ноёб қурилмаларни ишлаб чиқдилар. Пайвандлаш техникаси экспозицияси ҳам янгиликларга бой. Бу ерда лазер нурларидан ва электрон-нур аппаратларидан фойдаланиш негизида экология жиҳатидан соф технология сари кескин бурилиш ҳам қилинган. Саноат роботлари ва манипуляторларининг бағоят хилма-хиллиги машинасозликнинг мазкур соҳасидаги тараққиётдан яққол далолат бериб турибди.



Швейцариялик таниқли устки кийимларни бичувчи Луижи Колони яқинда «Суиссэйр» миллий авиакомпаниянинг хизмат кўрсатувчи ходимлари учун белгиланган устки кийимлар туркумини поёнига етказди. Учувчилар, штурманлар, стюардессалар ва авиатехниклар учун кийимнинг бир неча хилини яратди. Уларни тикиш учун Колани компанияда 250 километр узунликда тим-кўк ярим жунли газлама талаб қилди. Бу эса компанияга 16 миллион швейцар франкига тушди.

СУРАТДА: «Суиссэйр» ходимлари ўзларининг янги жомакорларини намойиш этмоқдалар.

КЕЙСТОН—ТАСС сурати.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ТУХУМХЎР ҲАЙДОВЧИ

● УГАНДАНИНГ Какеренг қишлоғида яшовчи 60 ёшли ҳайдовчи Нсереко гаров ўйнаб ғолиб чиқди. У пиширилган катта ҳажмдаги 60 та тухумни ярим соат ичида паққос тушириб ташлади. Газагига эса улкан ананасни афзал кўрди. Сўнг 2 литр мева шарбатини ютоқиб-ютоқиб симирди.

Агар тухумни пўчоғидан тозалаб берувчилар имиллашмаганда бундан ҳам қисқа вақт ичида еб басарлаган бўлардим, дейди Нсереко ўзининг бу рекордига қониқмаган ҳолда.

УЗОҚ УМР КЎРУВЧИЛАР МАМЛАКАТИ

● УРУГВАЙЛИКЛАР ҳам узоқ умр кўришда бошқа мамлакатлардан қолишмас экан. Уругвай ҳисоблаш бошқармасининг хабарига қараганда, 3 миллион аҳолига эга бўлган давлатда ҳозир 300 га яқин киши 100 ёшдан юқорида яшайди. Шундан 60 нафарини эркаклар ташкил этади. 1,5 мингдан ортиқ кишининг ёши 95 дан 99 гача. 90 ёшликлар эса анча кўп, яъни 20 минг нафар.

ИМО-ИШОРА БИР ХИЛ, ЛЕКИН...

● МАЪЛУМКИ, кундалик ҳаётимизда ҳар хил имо-ишораларни қўллаймиз. Бу имо-ишораларнинг кўриниши бир хил бўлса-да, лекин маъноси ҳар хил.

Масалан, бизда бош ирғаб маъқуллаш ишораси Болгарияда умуман акси — инкор этиш маъносини англатади. Ёки бош бармоқ билан кўрсатиш бармоғи ёрдамида «О» ҳарфини ясаш АҚШ ва бошқа айрим мамлакатларда «Окей!» ёки «Салом!» маъносини билдиради. Худди шундай белги эса Тунисда биров ҳаётига таҳдид қилиш — «Сени ўлдираман» дегани, Францияда эса «Ҳеч нарсага арзимайдиган иш» маъносини англатади, дейилади Булғориянинг «Орбита» ҳафталигида.

В. И. Ленин туғилган куннинг 120 йиллигига

(Боши 1-бетда).

Ленин XX асрниг тубдан ўзгарган шароитида марксизмнинг фалсафий асосларини ривожлантиришга жуда катта ҳисса қўшди, сиёсий ҳаракат соҳасидагина эмас, шу билан бирга, жамият ва табиатнинг ҳаракат қонунларини таҳлил этишда ҳам диалектик усулни ҳар томонлама ишлаб чиқди ва уни моҳирона қўллаиди. Лениннинг файласуфлар билан табиатшуносларнинг иттифоқи тўғрисидаги ғояси табиий, ижтимоий ва техникавий фанлар бирлигининг, инсон ҳақидаги фанлар мажмуининг барқиб турган қоидаси сифатида ҳозир ҳам долзарбдир. Лениннинг мутафаккир тарзидаги чинакам маънавий қиёфасини тиклаш, унинг кўпдан-кўп қаллоблар анча сохталаштирган ва жўнлаштирган назарий меросига ҳақиқатан ҳам илмий муносабатни қарор топтириш муҳим вазифа бўлиб турибди.

Ҳозир Лениннинг ғоявий-назарий меросига муносабатда икки хил турдаги ҳаддан ошишлар намоён бўлмоқдаки, буларга қўшилиб бўлмайди. Бизнинг Лениндан ўрганадиган нарсамиз йўқ, унинг ўзи ва ишлари ўтмишда қолиб кетди, деб даъво қилаётганлар жуда янглишадилар. Албатта, Лениннинг меросида тарих бисоти бўлиб қолган нарсалар ҳам бор, бироқ унинг энг муҳим ғоялари, ленинизм руҳининг ўзи ҳам бизнинг давримизда яшаб келмоқда. Ҳозирги замоннинг жамики хилма-хиллигини ва зиддиятли жараёнларни фақат Лениндан мисол, унинг асарларидан парчалар келтириб изоҳлашга уриниш ҳам тўғри эмас. Ақлий боқимликка яқинлашиб борадиган ёки бевосита шундай боқимликка айланиб кетадиган ақлий журъатсизлик Ленинга ҳамиша ёт эди.

Башарти, Лениннинг ўша даврдаги аниқ ижтимоий-сиёсий вазият хусусида айтган гаплари автомат тарзида сўнгги ҳақиқат деб ҳозирги турмушга татбиқ этиладиган бўлса, буни Лениннинг ўзи бемаънилик деб ҳисоблаган бўлур эди. Назариётчилар ҳам, сиёсатчилар ҳам воқеалар боришининг барча тафсилотларини олдиндан башорат қила олмайдилар, неча ўн йиллардан кейинги икир-чикирларни ҳисоб-китоб қилиб бера олмайдилар.

Ленин аниқ воқеликни таҳлил этишга асосланган илмий башоратни масъулиятсизларча кароматбозликка қарама-қарши қўяр эди. У мафкура соҳасидаги тарғиботчиларининг хаёлий фаразларидан ҳамиша одамларнинг соғлом ақл-идрокини афзал кўрар эди.

Лениндан кейин дунёда, шу жумладан, мамлакатимизда ҳам шундай ўзгаришлар рўй бердики, уларни XX асрнинг бошларида тасаввур қилиб бўлмас эди. Бу ўзгаришлар ижтимоий турмушнинг ҳамма соҳаларига шунчаки таъсир қилибгина қолмай, айни вақтда дунёнинг қиёфасини тубдан ўзгартириб юборди. Капитализм хаёлга ҳам келмаган имкониятларини намойиш этди. Янги тузум воқеликка айланди, аммо у ҳам ўз афзалликлари билан бир қаторда, тарихан барпо этилган шаклларнинг салбий жиҳатларини намоён қилди. Ижтимоий системаларнинг биргаликда яшаши тўғрисидаги масала сифат жиҳатдан янги мазмун касб этди. Инсоният олдида пайдо бўлган жаҳоншумул муаммолар ва хавф-хатарлар халқлар ва давлатларнинг ижтимоий тузумидан қатъи назар муҳолифликдан ҳамкорликка ўтишларини талаб қилди. Жаҳон майдонидаги бевосита муҳолифлик бартараф этилмоқда, ўзаро ҳурмат, мустақиллик қоидалари қарор топтирилмоқда, умумбашарий қадриятларнинг устунлиги тўғрисидаги ғоя тобора кенг миқёсда эътироф қилинмоқда. Янги сиёсий тафаккур бутун дунёда тобора яхшироқ тушуниб олинмоқда.

Мана шу тарихий воқеликлар қаршисида Лениннинг ҳозирги даврнинг руҳи ҳақидаги фикрлари, табиийки, қоида тусига киритилмаслиги керак, бу фикрлар жаҳондаги ижтимоий ўзгартишлар, социализм дунёсидаги янги ҳодисаларнинг ялпи тажрибасини эътиборга олиб, ижодий равишда ривожлантирилиши лозим. Социализмни сифат жиҳатдан янгилаш жараёнида қарор топаётган унинг янги қиёфаси, — бу — инсонпарвар, демократик социализмдир. Социалистик ғоя халқларнинг мустақиллигига, уларнинг турмуш тарзига. тилига ва маданиятига ҳурмат билан қарашдан иборат маънавий талабни ўз ичига олади. Бу ғоя ижтимоий ҳамкорликка, яхши қўшничиликка ва тинчликка даъват этади, зўравонлик ва бедодликнинг ҳар қандай шаклларини қатъиян рад қилади.

Партия Ленин меросини ақидапарастлик асоратларидан, қалбакиликлар ва сохтакорликлардан халос этар экан, уни ўзининг ғоявий ва сиёсий жиҳатдан янгилашнинг энг муҳим манбаларидан бири деб, объектив воқеликни билиш ва ўзгартиришнинг илмий усули, самарали воситаси деб ҳисоблайди.

Ўз-ўзидан равшанки, ҳозир Ленин ғояларига мурожаат қилиш шунчаки Ленинга қайтишни билдирмайди, балки Ленин билан биргаликда олға ҳаракат қилишни билдиради. Гап, бир томондан, Ленин ғояларини амалий ғоялар жумласига қайтариш ҳақида бормоқда, чунки ўтмишда бу ғоялар кўп жиҳатдан фақат эълон қилиб қўйилар эди. Иккинчи томондан, жамиятимиз турмушининг ҳозирги жараёнларини чуқур таҳлил этиш, қайта қуриш сиёсатини амалга ошириш учун янги назарий фикрлар ва хулосалар, асосланган тавсиялар жуда зарур. Охир-оқибатда ишнинг муваффақиятли марксчиларнинг ҳозирги авлоди ўз олдиларида турган муаммоларни Ленин меросига таяниб, жаҳон ижтимоий тафаккури, фани, маданиятидаги жамики илғор тажрибаларга таяниб, мустақил ҳал эта олишларига боғлиқ бўлади.

Буюк мутафаккир ва революционер — Ленин туғилган куннинг 120 йиллиги дабдабали тадбирлар уюштириш учун баҳона эмас. Юбилейлар босиб ўтилган йўлни идрок этишга, бутун диққат-эътиборни ҳал қилинмаган вазифаларга қаратишга ундаши лозим, деб ҳисоблар эди Ленин. Мамлакат коммунистлардан дабдабали иборалар, ҳашаматли сўзлар ва ваъдаларни, Ленинча принципларга амал қилиш ҳақидаги расмий қасамларни эмас, балки аниқ-равшан ҳаракатларни, эълон қилинган сиёсатнинг амалий натижаларини кутмоқда. Қайта қуришнинг тақдири, бинобарин, социализмнинг янги қиёфасига эришилиши ҳал қилувчи даражада бўлмаганида ҳам, жуда кўп даражада КПССнинг фаолиятига боғлиқ. КПСС XXVIII съезди арафасида Лениннинг юбилейи партияни сифат жиҳатдан янгилашни, унинг барча бўғинлари фаолиятини чинакам қайта қуришни рағбатлантириши керак. Партия кенг ички партиявий демократияни қайта тиклаш ва ривожлантиришни қолоқлик ва ақидапарастликдан кафолат деб билади.

В. Й. Ленин туғилган куннинг 120 йиллиги муносабати билан КПСС XXVIII съездига тайёргарлик билан, партия сиёсий ҳаракат дастури лойиҳасининг умумпартия ва умумхалқ муҳокамаси билан узвий боғлиқ равишда тегишли сиёсий ва ташкилотчилик ишини авж олдириб юбориш таклиф этилди.

Назарий ишда Лениннинг назарий меросини эътиборга олиб, янгиланиш мафкурасини янада пухта ишлаб чиқишга, социализмнинг тарихий тажрибасини, ҳозирги замон ижтимоий тажрибасини ижодий идрок этишга асосий диққат-эътибор қаратилсин. Меҳнаткашлар, айниқса, ёшлар орасидаги мафкуравий, оммавий-сиёсий ишда инсоний, демократик социализм ғояларини ва инқилобий қайта қуриш вазифаларини тушунтириш диққат-марказига қўйилсин. Партиянинг турли демократик ижтимоий гуруҳлар ва ҳаракатлар билан кенг амалий мулоқоти амалга оширилсин.

Москва шаҳрида тантанали йиғилиш ўтказишга қарор қилинди. Йиғилишда М. С. Горбачев доклад қилади.

В. И. Ленин туғилган куннинг 120 йиллигига бағишланган асосий тадбирлар белгиланди.

Байрамингиз қутлуғ бўлсин, муҳтарама онахонлар, азиз опа-сингиллар!



Ҳозир мамлакатимизда меҳнат қилаётган ходимларнинг 51 фоизи хотин-қизлар. Шундай тармоқлар, касблар борки, у ерларда ишлаётганларнинг кўпинча катта қисмини — 90-95 фоизини аёллар ташкил этади. Саноат корхоналарида қўл меҳнати аёллар зиммасига эркакларга қараганда икки баравар кўп тушади. Улар оғир, жисмоний куч талаб қиладиган ишларни бажаришда давом этмоқдалар. Шунингдек, улар ишлаётган иш ўринлари одатда хизмат юзасидан кўтариш жиҳатидан истиқболли эмас. Хотин-қизларнинг фан соҳасида ҳиссаси ҳам камайиб бормоқда — фан номзодлари, докторлари, академиклар шулар жумласидан. Бу эса хотин-қизлар маълумот даражаси юқори бўлган бир шароитда мавжуд бўлаяпти. Олий ва ўрта махсус маълумотга эга бўлган хотин-қизлар умумий ана шу мутахассисликнинг 60 фоизини ташкил этади.

Яна бир муҳим муаммо ҳал этилмай келмоқда. Мамлакатимизда тунгги сменада ишлаётган хотин-қизлар 3,8 миллион кишини ташкил этади. СССР аъзо бўлган Халқаро ташкилот конвенциясига мувофиқ, хотин-қизларнинг тунда меҳнат қилиши тақиқланган. Лекин шу пайтгача СССР ана шу конвенцияга имзо чеккани йўқ. Тунги сменада ишлаётган аёллар миқдори камайиш ўрнига кун сайин ортиб бораётганлиги ҳам ташвиш туғдирмаслиги мумкин эмас.

Биз социалистик жамият ўқимишли, соғлом, изланувчан, эътиқодли ва коммунистик идеалларга садоқатли муносиб ўринбосарларни тарбиялаши тўғрисида кўп гапираяпмиз. Лекин ана шундай ўринбосарларга таълим-тарбия бериш биринчи галда оиладан бошланишини унутмаслигимиз керак. Бунинг учун эса оилада аёлларга бўш вақт керак. Ҳозир-чи?! Меҳнат қилаётган хотин-қиз бир кеча-кундузда ўртача 2 соату 24 минут (колхозчи аёл бир соату 57 минут) бўш вақтга эга. Дам олиш кунлари бу рақам уч каррага кўпаяди. Лекин фарзандларга таълим-тарбия бериш учун эса бор-йўғи 16 минут (дам олиш кунлари ярим соат) вақт кетади. Францияда эса ишлаётган хотин-қизлар болалари билан машғул бўлишлари учун кунига 2 соату 15 минут, АҚШда 1 соату 23 минут вақтга эгадир. Бундан ташқари уларда маданий ҳордиқ чиқариш учун ҳам кўпроқ вақт мавжуд.

Америка Қўшма Штатларида ишчи кучининг 40 фоизидан зиёдини аёллар ташкил этади, холос. Уларнинг ҳам ярмидан кўпроғи савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида улуғланади. Мамлакат бўйича жами 55 миллион меҳнатга қобилиятли хотин-қиз бор. Шулардан эса 39 миллиони тўла иш ҳафтасида, 2,2 миллиони эса қисқартирилган иш кунида меҳнат қилади. Ўн миллион хотин-қиз эса кўнгиллилик асосида ишлаб маош олмайди. 3,8 миллион хотин-қиз ишлаши мумкин, лекин оилавий шароити туфайли ўз ниятини амалга оширишга қодир эмас.

Италияда эса хотин-қизлар ишчи кучининг тахминан учдан бир қисмини ташкил этади. Ишсизлар улар ўртасида 19 фоизга тенг. Меҳнат биржасида иш топиш ниятида рўйхатдан ўтганларнинг ярмидан кўпроғини хотин-қизлар ташкил этади.

Италияда ишлаётган аёлларнинг беш ойлик ҳомиладорлик отпускаси берилади. Шундан икки ойи бола туғилгунча ва уч ойи бола туғилгандан кейин бериладиган отпускадир. Ана шу даврда эса оладиган маошнинг 80 фоизи сақланиб қолади. Бола тарбияси билан банд бўлган италиялик аёллар уч йилгача ишламасликлари мумкин. Ана шу даврда эса уларнинг иш ўрни сақланиб қолади.

Жумҳуриятимиз хотин-қизларининг аҳволи ҳам мамлакатимиздагидан яхши эмас. Шунга қарамай, фидокор ва жафокаш хотин-қизларимиз ўз зиммаларига юкланган вазифаларини оқилона ва бекаму-кўст бажаришга ҳаракат қилиш билан биргаликда оилада бекалик, фарзандларга меҳрибон оналик вазифасини ҳам бирга қўшиб олиб бормоқдалар.

Юқорида айтганимиздек, хотин-қизларимиз ҳар соҳада фаол ва етакчи. Баҳор келиши билан ниҳол ўтқазишда, ер чопишда бу қизалоқлар ўғил болалардан қолишмаяптилар.

Бу хотин-қизларимизни ҳаёт гуллари деб атадик. Бу рамзий маънода. Чунки бу гуллар йилнинг тўрт фаслида бир хилда муаттар ис таратиб, инсонларни гўзалликка, саховатга, адолатга, меҳр-муҳаббатга, раҳм-шафқатга ундаб туради. Бу гуллар хонадонимизга файз, ёруғлик, шодлик ва қувонч бахш этади. Улар туфайли ҳаёт фаровон, олам чароғон.

Ҳамиша тунлари ширин уйқусини тарк этиб, фарзанди бешиги бошида парвона бўлган ким? Она! Мунис ва меҳрибон, ўзи емай жигаргўшасининг оғзига ширин-ширин таомлар тутган ва киймай кийгизган улуғ зот ҳам она. Унинг мадҳи китобларга сиғмас. сўз мулкининг султони ҳазрати Алишер Навоий ҳам унинг таърифига ожиз қолганлиги ажаб эмас.

Ҳурматли муштарий! Сен ўз онангни байрам билан табриклашни унутмадингми? Бунинг учун кўп нарса ҳожат эмас. Икки оғиз ширин сўз, ҳурмат ва меҳрибонликнинг ўзидан боши осмонга етади.





Нуқтаи назар

«ҲАР ВАҚТИКИ КЎРГАЙСЕН...»

А. Ориповнинг «Ўзбекистон — Ватаним маним» номли шеърида, қуйидаги мисралар бор:

...Беш асрлик назмий саройни
Титратади занжирбанд бир шер,
Темур тиғи етмаган жойни
Қалам билан олди Алишер...

Мен худди шундай мазмундаги шеърга Бобур номини ҳам қўйишни истардим. Негаки назмий саройда Алишер наъра тортиб турган бўлса, насрий саройда Бобур (шер) наъра тортиб турибди. Бу иккн забардаст шерлар (Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур) ўзбек тилининг абадий посбонидирлар. Улар туркий (ўзбек) тилининг гўзаллигини, бойлигини, латофатлилигини назм ва наср бобида биринчилардан бўлиб дунёга кенг ошкор қилдилар.

Бизда, яъни Ўрта Осиё халқлари орасида илгари «хон», «саид» ва «хўжа»лар олий табақа (аслзода) ҳисобланган бўлса, Ҳиндистонда эса «темурий», «бобурий», «туркистонлик» ва «ўрта осиёлик» деган табақалар ҳозирда ҳам олий табақа (аслзода)лар ҳисобланади. Бу ҳол шак-шубҳасиз ватандошимиз, ўзбек классик адабиётининг йирик вакили, тарихчи, олим, темурий ҳукмдорларининг сўнгги намояндаларидан бири, Ҳиндистондаги Бобурийлар (Буюк мўғуллар империяси) давлатининг асосчиси — Заҳириддин Муҳаммад Бобур номи билан чамбарчас боғлиқдир.

Бобурнинг буюклиги шундаки, у фақат шоиргина бўлмай, подшоҳ ва саркарда, тарихчи ва машшоқ, овчи ва боғбон, сайёҳ ва бинокор ҳам бўлган. Бобур ўрта асрнинг улуғ бир тарихий намояндаси эканини ҳамма эътироф этади. Афғонистон билан Совет Иттифоқи дўстлигига бағишлаб Кремлда ўтказилган митингда атоқли шарқшуносимиз С. П. Толстов: «...фарғоналик Заҳириддин Бобур — Шарқдаги уйғониш даврининг энг атоқли сиёсий ва маданий арбобларидан биридир», деган эди. («Известия». 1957 й., 31 июль).

Унинг машҳур «Бобурнома» асари эса фақат ўзбек адабиётини эмас, балки жаҳон адабиёти ва фанини бойитган адабий, тарихий ва қомусий ёдгорликдир. Европалик олимлар Бобурнинг бу асарини, машҳур ўрта аср Рим саркардаси Юлий Цезарнинг «Хотиралар»и билан тенглаштиришади.

«Бобурнома»ни инглиз тилига таржима қилган англиялик олим Эрскин шундай дейди: «Бобур характерининг энг мислсиз белгиси, унинг бошқа мулкдорларникига мос келмаслигидадир. Осиё тождорларидаги маҳобатли,... сунъий характер ўрнига бизнинг кўз олдимизга Бобурнинг характери табиий, ҳаётий, севувчи, самимий бўлиб гавдаланади. Бобур тахтда ўтирганига қарамай, оддий турмушнинг энг яхши туйғуларини ва иштиёқини ўзида сақлаб қолган. Биз Осиёдаги ҳукмдорлар ичидан Бобур сингари гениал ва талантли кишиларни камдан кам учратамиз... Унинг ақлининг фаол фаолияти, хушчақчақ, совуққонлик ва бевафо, тақдирнинг найрангларига қарамай, руҳининг тетиклиги, подшоҳлар орасида камдан кам учрайдиган сахийлиги, мардлиги, истеъдодлилиги, фанга, санъатга муҳаббати ва улар билан муваффақиятли шуғулланиши жиҳатдан олиб қараганда, Осиёдаги подшоҳлар ичидан Бобурга тенг келадиган бирорта ҳам подшоҳни тополмаймиз. (Ўз СЭ, 2 том, 293 б.)

Маълумотларга қараганда, Ҳиндистонда Бобур ва бобурийлар даврида, маълум муддатларда, ўзбек (туркий) тили давлат тили бўлган. Ҳозиргача ҳинд тилида мустаҳкам ва турғун бўлиб ўрнашиб қолган жуда кўп ўзбек (туркий) сўзлар, номлар ва атамалар фикримизга тўла асос бўла олади.

Утган йили 14 ноябрда «Совет Ўзбекистони» газетаси саҳифаларида партия ва давлат арбоби Н. А. Муҳитдиновнинг Ҳиндистон президенти Жавоҳарлаъл Неру ҳақида «Абадият» мақоласи босилди. Ундаги қуйидаги сатрлар мени чуқур ўйга толдирди: «...Ўзбекистонда бўлганимда оби-ҳавонинг айби билан мен (Жавохарлаъл Неру) Андижонга боролмадим. Камина ўшанда буюк инсон Заҳириддин Муҳаммад Бобур туғилган юртни кўриб, қадамжолари сувларидан ичсам, эл — юрт одамлари билан кўришсам, деган ниятда эдим. Булар менинг Бобур ҳақида ёзаётган рисолам учун ғоятда зарур эди». Гап орасида Индира Ганди ҳам Ўзбекистонда, хусусан Тошкентдек шаҳри-азимда, Бобурга атаб бирорта ҳам ёдгорлик йўқлигига шаъма қилиб, Деҳлида, Аграда Бобур ва унинг авлодлари қурдирган иншоотлар кўз қорачиғидек сақланаётганлигини қўшиб қўйди.

Ўшанда ва кейинги учрашувларимизда Неру билан бўлган суҳбатларда шу нарса маълум бўлдики, Ҳиндистонда бошқа давлат арбоблари билан бир қаторда, Бобур ва унинг авлодлари номларини ҳамма жойда ва тарих саҳифаларида зўр ҳурмат ва фахр билан тилга олишар экан.

Бизда-чи? Ўзбекистондачи?

Ўтмишимизда ўтган барча тарихий шахсларга шу пайтгача чап кўз билан қараб келдик ва қараб келмоқдамиз. Биргина мисол. П. Қодировнинг Бобур тўғрисидаги «Юлдузли тунлар» асари учун, жумҳуриятимизнинг собиқ раҳбарлари атоқли ёзувчимизни не кўйга солишмади. Мана оқибат ҳақиқат қарор топиб, ҳақ ғалаба қозонди. Эндиликда бу асар жаҳон тилларига таржима қилиниб, олам кезиб юрибди.

Нима учун Ўзбекистон пойтахти Тошкентда Гоголь, Пушкин, Горький, Калинин, Фрунзе, Дзержинский, ва Шота Руставели ҳайкаллари учун маблағлар ажратилади ва пойтахт марказидан бу ҳайкаллар учун яхши жойлар топиладию, Бобур, Улуғбек, Огаҳий, Машраб, Муқимий, Фурқат, А. Қодирий, Ғафур Ғулом, Ойбек ва Ҳамид Олимжон ҳайкаллари учун маблағлар ва улар учун пойтахт марказидан яхши жойлар топилмайди?

Маълумки, 1990 — 2000 йиллар орасида, Ўрта Осиё халқлари тарихида жуда катта роль ўйнаган, Темурий сулолаларининг энг буюк намояндалари таваллудларининг тўлиқ саналари нишонланади. Чунончи, 1991 йилда А. Навоий таваллудига 550 йил, 1994 йилда Улуғбек таваллудига 600 йил, 1996 йилда Амир Темур таваллудига 660 йил тўлади.

Энди шулар қаторида 1993 йилда Бобур таваллудининг 500 (510) йиллигини ҳам қўшиб ўтказиш лозимлиги ўз-ўзидан, яққол кўриниб турибди.

1983 йилдаги Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 500 йиллик тантаналари турғунлик даврига тўғри келди ва жуда камтарона ҳолда, «қўл учида», шунингдек ўта эътиборсизлик билан, тор доирада нишонланди. Аслида эса бу халқаро миқёсда нишонланадиган улкан анжуман бўлиши керак эди. Бир пайтлар А. Навоийнинг 500 йиллик юбилей тантаналари Улуғ Ватан уруши даврига (1941 й) тўғри келиб қолганлиги сабабли, юбилей кечиктирилган ҳолда 1948 йилда ўтказилган эди. Биз ҳам Бобурнинг 500 йиллик юбилей тўйини кечиктирилган ҳолда, яъни 1993 йилда Бобур туғилган кунига 510 йил тўлиши муносабати билан ўтказсак, нур устига аъло нур бўларди.

Ҳиндистон республикасининг Тошкентдаги Бош ваколатхонаси раҳбарларини ҳам бу хайрли ишга жалб қилсак, улар ҳам бу ишни амалга оширишда бажонидил ва сидқидилдан ёрдам берадилар, деб ўйлайман.

Буюк ватандошимизга пойтахт Тошкентда на шоҳ кўча (проспект), на майдон ва на ҳайкал йўқлиги мени ҳам кўп йиллардан буён чуқур изтиробга, солиб келади.

Бу борада менинг, Тошкентдаги жойларга ном ва ҳайкал қўйиш бўйича шуғулланувчи топономик комиссия аъзоларига қуйидаги таклифларим бор.

Тошкентда учиш майдони (аэропорт) билан шаҳар марказини боғлайдиган катта кўча, яъни Богдан Хмельницкий кўчаси мавжуд. Богдан Хмельницкий — ўрта асрларда украин шоҳи ва казак қўшинлари саркардаси (гетмани) бўлган. Бу шахснинг ўзбек халқига қандай алоқаси борлигини ҳеч қайси манбадан излаб тополмадим. Шарқ Машъали — Тошкентга тайёрада учиб келган меҳмон учиш майдонидан шаҳар марказига бориш учун, албатта Богдан Хмельницкий кўчасидан ўтиб ва кўча номига назар ташлаб, ҳанг-манг бўлиши табиий. Чунки ал-Хоразмий, Беруний, ибн Сино, Темур, Улуғбек ва Бобурлар диёрида Богдан Хмельницкий нима қилиб юрибди, деган хаёл ҳар қандай кишини гангитиши аниқ. Бу англашилмовчиликни бартараф қилиш мақсадида бу кўчани, юбилей муносабати билан Бобур шоҳ кўчаси (проспекти) деб ўзгартириш тарафдориман. Бу кўчанинг учиш майдонига яқин жойида яхшигина майдон бор. Ана шу майдонга Бобур ҳайкали ўрнатилса, кейинчалик бу жой ўз-ўзидан Бобур майдони бўлиб кетади. Бобур ҳайкали учун эса жумҳуриятимиз ҳайкалтарошлариаро энг яхши ҳайкал учун совринли конкурс ташкил қилсак. Шунингдек пойтахтдаги Санъат саройига Бобур номини берсак, Санъат саройи билан Навоий кўчаси оралиғидаги боғ-хиёбонни эса Бобур боғи деб атасак анча соз иш бўларди. Тарихий маълумотларга қараганда, Тошкентда ҳам Бобурнинг болалик ва ўсмирлик даврлари ўтган. Пойтахтнинг Шайх Хованди Тоҳур мавзесида, машҳур, «Юнусхон» мақбараси жойлашган. Тошкент ҳокими — Юнусхон Бобурнинг она томондан буваси ҳисобланади. Бобурнинг онаси, «...Қутлуғ Нигор Хоним — Тошкент ҳокими Юнусхоннинг қизи...» — (Бобурнома расмлари, «Фан» нашриёти, 7-бет). Бу билан мен, буюк ватандошимиз Бобурга қўйилажак кўча номи, майдон, ҳайкал, сарой ва боғ номи бу жойларга ҳар томонлама мос келади, деб ҳисоблайман.

Тошкент метросининг навбатдаги лойиҳалаштирилаётган бекатлардан бирига Бобур номини беришни ҳам ўйлаб кўриш лозим.

Албатта булар ҳозирча ширин орзулардир. Буюк ватандошларимизнинг номини ўз юртида абадийлаштириш, бизнинг авлодлар олдидаги муқаддас вазифамиздир. Маҳаллий раҳбарларимиз, маданият, санъат арбобларимиз ва ёзувчилар уюшмаси бу бўлажак хайрли ишга бош-қош бўладилар, деган умиддаман.

Қайта қуриш ва покланиш шабадалари эсаётган ҳозирги инқилобий даврда ўтмишимизда ўтган, жаҳон аҳамиятига эга бўлган барча тарихий шахсларга ижобий жиҳатдан ёндашадиган замон келди. Буюк инсон Бобурнинг ўлмас асарларини ҳар гал ўқиганимизда унинг буюк сиймоси кўз олдимизда гавдаланади. Уни хотирлаймиз, эслаймиз ва соғинамиз. Бобур айтганидек:

«Ҳар вақтики кўргайсен менинг сўзумни,
Сўзумни ўқуб соғингайсен ўзумни.»

Ҳасан ШУКУРОВ,
муҳандис.

Байрамингиз қутлуғ бўлсин, муҳтарама онахонлар, азиз опа-сингиллар!

Қизлар мушоираси

САДОҚАТНИ КУЙЛАБ

Мен ҳазар қиламан ҳасад, ғараздан,
Ўзгалар қувончи менга олий бахт,
Орзуга интилиб, покиза ҳисдан
Софликни куйлашга мангу қилдим аҳд.

Беқарор мақтову, чиройли сўзлар,
Эшмасин мустаҳкам хиёнат ипин.
Арзимас, ялтироқ, ўткинчи ҳислар
Нафис юракларга алам сочмасин.

Пок ғурурдан кечиб, аёл шаънига
Енгил қадам билан туширмасин доғ.
Эрта кеч айш-ишрат сингиб қонига,
Бебурдлар қалбига бўлмаса чироқ.

Мен ҳавас қиламан сабру-бардошлар
Оташ иродага берганда безак.
Дугона, покиза ҳислар етаклаб
Садоқатни куйлаб беармон ўтсак.

Ўғилой ХУДОЙҚУЛОВА.

* * *

Сочимдан тортқилай бошлар азоблар,
Исканжага олар беҳудуд қўшиқ.
Ким-кимни унутди, билиб ё билмай,
Қоп-қора кўйлагин кийиб олди ишқ

Суратимни секин яшириб қўйди
Бетлари сарғайган «Ўтган кунлар»инг
Армоннинг шартига айтгин ким кўнди,
Юрагингга кўмдинг қайси куйларни.

Мени тортиб олди, сендан айрилиқ,
Нечун мотамсаро тикиласан шеър.
Энди деразамга элчилар қўйма,
Мен бир, муҳаббатга арзимас басир.

Бағримга қўйилиб келади зардоб,
Ботирим эртакка қайтганинг ёмон.
Беомон чўзилган кўчаларингда
Қишнинг этагидек судралар армон.

Саодат ҲАКИМОВА.

БАЙРАМ КУНИ

Толиблар ётоғи, бешинчи қават,
Бурчакда мунғаяр интизор эшик,
Бу эшик ортида сулувлар эмас,
Орзулар яшайди парвозга интиқ.

Байрамлар — бахтларнинг туғилган куни,
Афсус четлаб ўтди у ҳам хонани,
Рухсат сўрамасдан кирсайди Шодлик,
Қуйдириб аламни, қувиб нолани.

Хонадан армонни аритган ёлғиз
Бир умид тунларни ёритгувчи нур.
Тўрт болиш тагида тўртта Шаҳсувор,
Сурати яшайди ҳур қизлардан ҳур.

Эшик очиқ эди, кирмади Қувонч,
Чил-чил синди, эсиз, кўнгиллар хаста.
Бир алам ёпди сўнг эшикни қаттиқ
Болишлар ҳўл бўла бошлади аста.

Роҳила СИДДИҚОВА.
«Шуъла» адабий уюшмаси аъзоси.











Жумҳуриятимизда мўътабар ва табаррук онахонларимиз кўп. Сиз суратга бир нигоҳ ташланг. Биз бу нуроний момонинг исм ва шарифини атайин баён қилмадик. Бундай онахонларни ҳурмат ва эъзоз этиш ҳар биримиз учун ҳам фарз, ҳам қарз.

Ҳар фаслнинг ўз хислати бўлганидек, инсон умри ҳам унга монанддир. Мана бу қизалоқлар — мисоли баҳордаги қизил лолалар. Улар ҳам камол топишади, ўқишади, улғайишади. Балоғат ёшида ҳар бир қалбга муҳаббатдек олий туйғу меҳмон бўлади. Бу фаслда ҳар бир ёш ўзига алоҳида эътибор қилади, орасталикка уринади. Бу қиз ўзини кўзгуга бир кунда неча маротаба солишини ҳисоблаб чиқиш қийин. Ахир гоҳ кўзига сурма тортади, гоҳ сочларини майдалаб ўради.

Бугун хотин-қизларимизнинг шодиёна айёми. Шундан ҳам биз қўлимизни кўксимизга қўйиб: муҳтарама онахонлар, азиз опа-сингиллар, байрамингиз қутлуғ бўлсин! — деймиз. Сизларга сидқидилдан сиҳат-саломатлик, узоқ умр, бахт-саодат ва шоду-хуррамлик тилаймиз Сизга ҳамиша ўқишда, ижодда, турмушда, жамоат фаолиятида — барча жабҳада бахт ва иқбол, омад ёр бўлсин! Хонадонларингиздан шодлик, файз-барака аримасин, доимо болакайларнинг шўх, шодон кулгуси жаранглаб турсин.

МУҚАДДАС,
Карим РАҲИМ.
Суратказшлар:
А. МИРЗАЖОНОВ,
А. АШУРОВ,
Р. ШАРИПОВ,
С. МАҲКАМОВ,
Е. БОТИРОВлар.

НАҲОТКИ РОСТ БЎЛСА?!

Ижтимоий-иқтисодий муаммолар тиғизлашган. Тўғри, меҳнат қилиш, яшаш шароитимиз ҳавас қиладиган даражада эмас. Лекин бу вақтинчалик. Ҳаёт ўз мураккабликлари билан ҳаёт-да. Асосийси чекинмаслик, ўткинчи шамолларга қадни букмаслик.

Жанубий кореялик бир аёлнинг ўғли чақалоқлигидан оғир дардга чалинибди. Уни кўрмаган врач, муолажа қилмаган шифохона қолмабди. Муштипар она эса умидсизланмабди. Аксинча, у энди ўзи ишга киришибди. Ўн бир йилдан кейин боласи илк маротаба юра бошлабди. Ақли расолашибди, саводи чиқиб мутолаа қиладиган бўлибди. Ҳозир ўша йигит 20 ёшда эмиш. Яқинда Сеулда унинг шеърий тўплами нашр этилибди.

Бу албатта онанинг узоқ йиллар бардош билан курашганлиги, меҳр-муҳаббат, ишонч ва умиднинг меваси.

Ушбу воқеани бежиз эсламадим. Ҳозир Иттифоқимизда, жумладан жумҳуриятимизда ҳам миллий масалалар долзарблигича турибди. Одамлар ташвиш билан яшамоқдалар. Очиғи ҳар хил ўйларга бормасликнинг иложи ҳам йўқ-да. Биров ундай дейди, биров бундай. Кўзинг билан кўрмаганингдан кейин, кимга, қайси бир овозага ҳам ишонишингни билмайсан. Иш юзасидан сафарга борганимда одамлар, ёшлар сўрашади: анов нарса тўғрими, манов нарса тўғрими? Масалан Тошкентда сочи қирқилган қизларни бадном қилишаётганмиш, деб кўп вилоятларда сўрашади. Бундай саволларга ҳазил билан жавоб қиламан: агар тўғри бўлганда Тошкентда фақат эркаклargина қолган бўларди.

Яқинда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Жамоат тартиби ва гражданлар хавфсизлигига қаратилган ҳаракатлар учун масъулиятни кучайтириш тўғрисида» фармони эълон қилинди. Назаримда бу зарур ҳужжатни анча аввалроқ эълон қилиш керак эди.

Миш-миш дегани дайди шамолга ўхшайди, бемакон. Лекин у кимларнидир йўлдан оздириши, кўзини кўр қилиб қўйиши мумкин. Баъзан шундай ҳам бўлаяптику!

Масаланинг яна бир муҳим томони бор. Ҳаётимизда рўй бераётган воқеликлар, матбуотда ҳаққоний акс эттириб борилиши керак. Кишилар ҳар қандай саволларга матбуот орқали тўлақонли жавоб олиб туришлари лозим. Бу турли хил уйдирма ва миш-мишларнинг илдизини қирқадиган ягона йўл. Шу муносабат билан бир таклифни ўртага ташламоқчиман: газета, радио ва телевидениеда одамларнинг турли хил саволларига тезроқ жавоб бериб борилса. Шу мақсадда алоқанинг хат ёки телефон туридан кенг фойдаланиш мумкин.

Шунчаки ҳазил, ёлғон ёки хуфёна мақсадларни тарқатадиган миш-мишлар нима қилганда ҳам кишининг ҳаловатини ўғирлайди, таҳликага солади, муаммоларимиз қалашиб ётган бир пайтда бу дард устига чипқон деган гап.

Муаммоларни ақл-идрок ва биргаликда курашиш билангина енгиш мумкин.

А. ҲАЙДАРОВ.
Тошкент.

Маданият янгиликлари

МУАЛЛИФ ҲИСОБИДАН НАШР ҚИЛИНДИ

ШАҲРИСАБЗЛИК шоир Тоймас Шодиевнинг шеърлар тўплами одатдан ташқари тез нашр қилинди. У теришга топширилганидан бошлаб китобнинг ҳали типография бўёғи ҳиди анқиб турган дастлабки нусхаси муаллиф қўлига етгунига қадар атиги бир ярим ой ўтди. Ўз китобларини эълон қилиш муаммоси билан тўқнаш келган кўпгина муаллифлар учун бундай суръат хаёлга сиғмайдиган ҳодиса бўлиб кўриниш мумкин. Лекин бу гал чиндан ҳам шундай бўлди.

Тошкентдаги Ғафур Ғулом номли адабиёт ва санъат нашриёти чиқарган «Менинг севимли машғулотим» тўплами тўлалигича муаллиф маблағлари ҳисобидан нашр қилинди.

Тоймас Шодиевнинг дастлабки шеърлари ўсмирлик йилларида ёзилган эди. Ўшандан буён шеърият ҳаётда унинг доимий ҳамроҳи бўлиб қолди. Муаллифнинг шеърлари йилдан йилга кўпая бошлади. Бироқ бу шеърлар билан фақат унинг қариндош-уруғлари ва ёр-биродарларигина таниш эдилар. Ўз шеърларининг нашр қилинишини эса у фақат орзу қилиши мумкин эди, холос. Чунки профессионал муаллифларнинг китоблари ҳам нашриётларда йиллаб навбат кутиб турарди. Ва ниҳоят орзу ушалди. Тўпламга масаллар ва лирик шеърлар, қайта ишланган халқ қўшиқлари киритилди.

Китобнинг нархини эса китобхонлар баҳолайдилар. Дарвоқе, бу китобларнинг қанчаси китобхонлар қўлига тушиши тўғрисида бир нарса дейиш қийин. Гап шундаки, муаллиф китобларнинг китоб савдо тармоқлари орқали сотилишидан воз кечиб унинг ҳамма нусхасини ўз юртига олиб кетишга қарор қилди. Китобини ўз маблағи ҳисобидан нашр қилдирган бошқа бир муаллиф, қўшиқчи-шоир Сафо Очил ҳам шундай йўл тутди.

(ЎзТАГ).

МИННАТДОРЧИЛИК

8-Март байрами муносабати билан редакциямизга ташриф буюриб жамоамизга бадиий хизмат кўрсатганликлари учун рўзномамиз таҳрир ҳайъати ёш хонанда Азимжон Муллахоновга ва бадиий группа аъзолари Равшан Имомов, Абдулла Шомаърупов, Ҳотам Шерматовларга ўзларининг самимий миннатдорчиликларини изҳор этадилар.

«ТОШКЕНТ ГУЛЛАРИ» — ТОШКЕНТ АЁЛЛАРИГА

— Бу гал бизда ҳар қачонгидан ҳам гул кўп бўлди, — деди «Тошкент гуллари» фирмасининг директори А. Мухримов. — Масалан, 8 Март байрамида дўконлардан лолаларни бемалол харид қилиш мумкин. Байрамолди ҳафтасида гул дўконларимизга 130 минг дона лола жўнатилди. Аввалги йилга нисбатан 20 минг дона кўп чинни гул етиштирдик. 5 ва 7 март кунларининг ўзидагина 40 минг дона чинни гул сотамиз.

Бундан ташқари тошкентликлар фирмамизнинг ихтисослашган дўконларида бахмал, наргиз гулларини ҳам сотиб олишлари мумкин. Бу гуллар ўтган йилнинг баҳор фаслидагига нисбатан анча кўп етиштирилди. Бунинг учун энг аввало Тошкент манзарали боғдорчилик совхози ходимларидан миннатдор бўлишимиз керак. Улар байрам арафасида жуда зарур бўлган гул кўчатларини анча кўпайтиришга муваффақ бўлдилар. Шредер номли илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, пойтахт вилоятининг Калинин номли ва «Назарбек» совхозлари меҳнаткашлари ҳам ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Ниҳоят фирмамизнинг сўнгги туҳфасини айтай. Гавжум чорраҳада, Тошкент метросининг Ҳамид Олимжон номли бекатида хотин-қизлар байрами арафасида яна битта гул дўкони очилди.

(ЎзТАГ мухбири).





Расмларни Р. АҲМЕДОВ ва Ш. СУБХОНОВ чизган.

ТВ

9 МАРТ ЖУМА

● ЎзТВ I

9.00 «Фасли баҳор ёдингдами?». ЎзССР халқ артисти Нуриддин Ҳамроқулов куйлайди.

10.00 «Орзулар камалаги». Бадиий фильм («Ўзбекфильм»). 11.10 «Қалбингда халқ оҳангларини эъзозла». Фильм-концерт («Ўзбектелефильм»). 11.40 «Бўстон». Služ Тележурнал. 12.45 «Покланиш йўлидан». КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури лойиҳасини муҳокама қиламиз. 13.15 «Баҳс». Андижон вилояти Балиқчи ва Олтинкўл районлари қизларининг конкурс программаси.

* * *

17.25 Кўрсатувлар программаси. 17.30 «Хризантемалар боғи». Мультфильм. 17.40 Мактаб ўқувчилари учун. «Қўшиғим, жон қўшиғим». 18.20 «Қадрият». 18.50 «Фан уфқлари». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 «Алифбо сабоқлари». 4-кўрсатув. 20.20 «Ўзбекистон дея аталур». Манзарали фильм («Ўзбектелефильм»). 20.30 «Ахборот». 20.50 «Қалбим баҳори». ЎзССРда хизмат кўрсатган артист Ўғилой Муҳамедова рақсга тушади. 21.30 Москва. «Вақт». 22.00 «Одобнома». 22.15 Экранда — кинокомедия. «Нофелет қаерда?» («Мосфильм»). 23.40 Кўрсатувлар программаси.

● ЎзТВ II

19.05 «Дўстлик» программаси (рус тилида). 20.05 «Серқуёш ўлкада». Ҳужжатли фильм. 20.40 «Объективда — қайта қуриш». Тошкент авторемонт корхонасининг муаммолари ҳақида (рус тилида).

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

21.30 Москва. «Вақт». 22.00 К. Мирзоев. «Қадри модар», «Гушвор». Теленовеллалар. 22.45 «Тирик қолишга ҳаракат қил». Бадиий фильм.

● МТ I

8.30 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати. 8.50 «Сиз яратган боғ». 9.20 «Уй академияси». 9.50 «Болалар рассомлари қаерда бўлади?». 10.30 «Ҳайвонот оламида». 11.30 Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округи ашула ва рақс ансамблининг концерти. 11.50 Режиссёр Г. Козинцев фильмлари. «Пирогов». Бадиий фильм («Ленфильм»). 13.35 Фигурали учиш. Жаҳон чемпионати. Эркаклар. Эркин программа. Канададан кўрсатилади. 14.55 «9-студия». 15.55 «Аёл бўлиш осонми?». Кўрсатувни В. Познер олиб боради. 17.55 Останкино концерт студиясида оилавий болалар уйларининг ташкилотчилари Мусатенко ва Богатиревлар оилалари билан учрашув (Омск шаҳри). 19.15 «Қуён магнитофон топиб олди». Мультфильм. 19.30 «Камалак». Халқ ижодиёти телепрограммаларининг VIII Халқаро фестивали. «Офтобда очилган ғунчалар» (КХДР). 19.45 «Уйинчилар». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Новосибирск). 20.15 «Омадли аёллар». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия — «Зина». 21.30 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 22.00 «Бу бўлган... бўлганди...». 22.20 «Нигоҳ».

● МТ II

8.30 Эрталабки гимнастика. 8.45 «Опа-сингиллар». Телевизион ҳужжатли фильм. 9.30 «Қум соат». Бадиий фильм, субтитр билан («Мосфильм»). 11.00 «Қўшиққа бахшида умр». РСФСР халқ артисти Ирма Яунзем. 12.10 Тараққиёт. Ахборот. Реклама. 12.40 «Осиё овози». Эстрада ёш ижрочилари халқаро конкурси ҳақида. 1-қисм. Олмаотадан кўрсатилади. 14.00 «Тунда оқ отларда». Олти серияли телевизион бадиий фильм. 5-серия. 15.00 «Совет Россияси» видеоканали. 17.30 «Баҳодир». Бадиий фильм (Венгрия). 18.40 «Босоножка ва унинг дўстлари». Мультфильм 19.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан). 19.30 «Презентация-2». Сатирик ёзувчи А. Трушкиннинг янги китоби таништирилади. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Биздачи...». 20.45 «НЛО. Эълон қилинмаган ташриф». 1-қисм. 21.30 Гандбол. Жаҳон чемпионати.

Тунги сеанс

23.40 «Кўклам келаяпти, кўклам марҳабо...». Киноконцерт. 00.25 «Мсье Перришоннинг саёҳати». Телевизион бадиий фильм («Мосфильм»).

(Рўзномамизнинг навбатдаги сони 10 мартда чиқади).

«Ёш ленинчи»
«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана
Издается на узбекском языке.
МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ
ТЕЛЕФОНЛАР: ҚАБУЛХОНА — 32-56-58 ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ
ИНДЕКС: 64607

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Р. — 03150. Д. — 23194.

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.